

Қўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Рўзиев бир тарафдан ва Фаргона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори А.Зикриев иккинчи тарафдан жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синов тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. "Буюртмачи" топширигига асосан **Ғиштмон М.Ф.Й Оханг** кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларига асосан 2022 йил 16 июл кундан бошланиб бажариш муддати: 20 кунда яқунланади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

№	Бажарилиши лозим ишни номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Ғиштмон М.Ф.Й Оханг кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишлари	Комплект 1005 метр	1	306373144	306373144
	Жами:				306373144

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 306373144 (Уч юз олти миллион уч юз етмиш уч минг бир юз қирқ тўрт) сўмни ташкил этади.

- 3.2. Мазкур шартномага асосан пудратчи томонидан объектда 306373144 (Уч юз олти миллион уч юз етмиш уч минг бир юз қирқ тўрт) сўмлик ишлар бажарилади ва буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар учун берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ажратилган маблағнинг 100% молиялаштирилади.

- 3.3. Тегшли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулик мулккий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вақтида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллаунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбу шартномадан назарда тутилган муддатда ва миқдорда "Пудратчи"га ҳақ тўлайди;

- "Пудратчи"нинг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқади.

6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30% гача миқдорига аванс маблағини ўтказиши.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100% миқдорига амалга оширилади.

6.3. "Пудратчи"нинг бошқа харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошқаражатлар қийматидан ошмаган холда тўловга қабул қилинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вақтинини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишни талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1. "Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишни кафолатлайди.

9.2. "Пудратчи":

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишни таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди, объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишдан истисно этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида, белгиланган тартибда Иқтисодий Суд томонидан кўриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЮРТМАЧИ”

Қўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил: Қўштепа туман Шодлик мфй Нуробод кўчаси
№47 уй Тел: 73-425-22-70

Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Бувайда туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
х/р: 23402000300100001010
Банк номи :Марказий Банк Тошкент ш.ББХКМ
МФО: 00014 ИНН:201122919
Ш.Х.Ғ. 100022860302067045204110005
ИНН:200177201 ОКОНХ:90190
Раҳбар: М.Рўзидоев

(имзо)

“ПУДРАТЧИ”

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
Манзил: Фарғона т Мустақиллик кўчаси 350-уй
Тел./факс: 97-419-60 -04
х/р: 2021 0000 5002 1083 5012
МФО: 01131
ИНН: 200 197 217
Банк номи: Унверсалбанк Фарғона филиали
ОКОНХ:42110

Пудратчи раҳбари: А.Зикрияев

(имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**

HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** Farg'ona TYFUK bilan tuzilgan 306 373 144 so'mlik pudrat shartnomasi
3. **Loyihani ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tuman obodonlashtirish boshqarmasi
4. **Loyiha kiritilgan sana:** 13.07.2022

HUQUQIY EKSPERTIZA XULOSASI:

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni bilan tartibga solinadi.

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni va amaldagi qonunchilik talablariga mos ravishda tuzilgan. Tomonlarning huquq va majburiyatlari, javobgarlik masalalari keltirib o'tilgan. Mazkur shartnoma loyihasiidan foydalanish mumkin.

Hulosa: Mazkur loyiha amaldagi qonun talablariga javob beradi, undan foydalanish mumkin.

Loyihani huquqiy ekspertizadan o'tkazuvchi:

Qo'shtepa tuman adliya bo'limi

yuridik xizmat ko'rsatish markazi

bosh yuriskonsulti



G'.Mo'ydinov

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 118654 на приобретение Гиштмон МФЙ
Оханг кучасини асфалтлаштириш ишларини бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 13.07.2022

Время рассмотрения 13.07.2022 20:01

Конкурсная комиссия Куштепа тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RAKHIMOV KIZILOV ABDUSAMAT ABDURAIMOVICH	ТХ Мухандиси	Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	Жураев Равшан Абдикодирович	Котиб	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SAIDOV KOZIMXO'JA VOXOBOVICH	Булим бошлиги	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	MADRAXIMOV GANIJON ABDURAXMONOVICH	Бош хисобчи	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	YULDASHEV KOBILJON KAXOROVICH	булим бошлиги	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDULLAYEV RAXIMJON MAXAMMADJONOVICH	булим бошлиги	Ободонлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.07.2022 года № лота 118654.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 2

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Лойиха смета хужжатларига асосан асфалтлаштириш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	313 479 000.00
Стартовая сумма	313 479 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхона ташкилот хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома, Низом, Литсензия сертификат ва сохавий курилиш-пудрат ташкилотлар рейтинги категорияси тўғрисида маълумот (категория тўғрисидаги тақдим этилаётган маълумот reuting.mc.uz сайти орқали текшириб бахоланади) Гувохнома, Низом, Литсензия сертификат ва сохавий курилиш-пудрат ташкилотлар рейтинги категорияси тўғрисида маълумот (категория тўғрисидаги тақдим этилаётган маълумот reuting.mc.uz сайти орқали текшириб бахоланади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН Фойдалдалан	25	25	25	Экспертная		
ELEGANT DAVR DIZAYN MЧЖ	25	25	15	Экспертная		
"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi	25	Гувоҳнома, Низом, Литсензия сертификат ва соҳавий қурилиш- пудрат ташкилотлар рейтинги категорияси тўғрисида маълумот (категория тўғрисидаги тақдим этилаётган маълумот reyting.mc.uz сайти орқали текшириб баҳоланади) Гувоҳнома, Низом, Литсензия сертификат ва соҳавий қурилиш- пудрат ташкилотлар рейтинги категорияси тўғрисида маълумот (категория тўғрисидаги тақдим этилаётган маълумот reyting.mc.uz сайти орқали текшириб баҳоланади)	25	Экспертная		
Қўштепа туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	25	303665355	22	Экспертная		

Критерий №2 Машина механизмлари тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона балансидаги машина ва махсус техникалар ҳақида тўлиқ маълумот (Бал бериш жараёнида бир тақдим этилаётган маълумотлар сифати аниқлиги ҳисобга олинади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН Фойдалдалан	25	25	25	Экспертная		
ELEGANT DAVR DIZAYN MЧЖ	25	25	20	Экспертная		
"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi	25	Корхона балансидаги машина ва махсус техникалар	23	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ALIMARDON" xususiy korxonasi		зарур булганда когоз холатда тугдим этилади хажим катта булиб кетмаслиги усун кичик фарматдап сканер килинмоқда				
Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	25	303665355	24	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН	313 479 000.00	306 373 144.00 UZS	306 373 144.00	00.00	306 373 144.00	08.07.2022 10:43:39	19.46
ELEGANT DAVR DIZAYN МЧЖ	313 479 000.00	306 373 144.00 UZS	306 373 144.00	00.00	306 373 144.00	13.07.2022 09:30:02	19.46
"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi	313 479 000.00	298 058 193.00 UZS	298 058 193.00	00.00	298 058 193.00	13.07.2022 14:04:24	20.00
Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	313 479 000.00	303 665 355.00 UZS	303 665 355.00	00.00	303 665 355.00	13.07.2022 16:06:19	19.63

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН	80	19.46	99.46
ELEGANT DAVR DIZAYN МЧЖ	56	19.46	75.46
"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi	74.4	20	94.4
Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	74.4	19.63	94.03

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 118654 от 13.07.2022 года на приобретение Фиштмон МФЙ Оханг кучасин асфальтлаштириш ишларини бажариш определила победителем:

ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН
200197217

и резервный исполнитель: "FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi (205235520)

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	25	303665355	24	Экспертная		

Критерий №3 Бажарилган ишлари ва ишчи ходимлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Асфалтлаштириш ишларига оид бажарилган ишлари ва ишчи мутахасис ходимлари тўғрисида маълумот Иш (хизмат)ларни асослантириш учун хизматлар калкуляцияси (Офёрта) тасдиқлангани. (Бал бериш жараёнида ҳар бир тақдим этилаётган маълумотлар санаси, сифати, аниқлиги ҳисобга олинади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН	25	25	25	Экспертная		
ELEGANT DAVR DIZAYN МЧЖ	25	25	15	Экспертная		
"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi	25	Бажарилган ишларни рестирина тағдим этамиз зурурят булганда топширилган ишлар далолатномасин ҳам коғоз тварятда тағдим этамиз юкланадигон файл хажми ортиб кетмокда	21	Экспертная		
Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас	25	303665355	23	Экспертная		

Критерий №4 Солиқ ва бошка ташкилотлар билан қарздорлиги хақида


Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ турларидан қарзи мавжуд эмаслиги, ҳисоботларни топширилиши баланс ҳамда банк ҳисоб рақамида бажариладигон ишга нисбатан 10% миқдорида пул маблағи бўлиши дебитор-кредитор маълумотлари тақдим этилаётган маълумотлар эълонда белгиланган беш кунлик муддатларда олиними шарт (Бал бериш жараёнида ҳар бир тақдим этилаётган маълумотлар санаси, сифати, аниқлиги ҳисобга олинади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН	25	25	25	Экспертная		
ELEGANT DAVR DIZAYN МЧЖ	25	25	20	Экспертная		
"FAYZLI	25	тулик маълумот	24	Экспертная		

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарий
Председатель комиссии	RAKHMATKULOV ABDUSAMAT ABDURAIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV KOBILJON KAXOROVICH	Согласен	
Член комиссии	SATDOR KOZIMXO'JA VOXOVICH	Согласен	
Член комиссии	MADRAXIMOV GANTJON ABDURAXMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV RAXIMJON MAXAMMADJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП